



Европа иттифоқи мамлакатларининг микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш амалиёти

Дўсбоев Ўткир Хидирович
ТДИУ “Банк ҳисоби ва аудити”
кафедраси доценти, PhD

Европа иттифоқи ҳудудида микрокредитлаш ижтимоий ва молиявий изоляция билан курашиш, ўз-ўзини иш билан таъминлашга қўмаклашиш ва микрофирмаларни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос ечими сифатида пайдо бўлди. Европа Иттифоқи микрокредит ажратувчи ташкилотларни асосан бандлик ва ижтимоий инновациялар дастури (EaSI), шунингдек, Европа ижтимоий фонди (ESF) орқали қўллаб-қувватлайди. Кейинги кўп йиллик доиравий дастурда (2021-2027) ЕИнинг микромолиялаш секторига доир мажбуриятлари InvestEU ва ESF + дастурлари доирасида давом этиши кутилмоқда.

Европада микрокредитлари бозори нодавлат ташкилот, нобанк молия ташкилоти ёки кредит уюшмалари/молиявий кооперативлар ҳуқуқий мақоми остида фаолият юритаётган микрокредит тақдим этувчилари (88%) билан ажралиб туради. Бундан ташқари, микромолия ташкилотлари банклар ва давлат органлари каби бошқа ҳуқуқий шаклларда ҳам фаолият кўрсатади.

Ушбу моделларни туркумлаш уларнинг "ҳуқуқий" таснифига кўра ҳам амалга оширилиши мумкин: банк лицензиясига эга бўлган микрокредит ташкилоти ёки банк лицензиясиз фаолият олиб борувчи микрокредит ташкилоти.

Нобанк микрокредит ташкилотлари турли хил ҳуқуқий шаклларда фаолият юритадилар, уларни одатда куйидаги тоифалар бўйича таснифлаш мумкин: нодавлат ташкилотлар, Нобанк микрокредит ташкилотлари (НБМТ), кредит уюшмалари/молия кооперативлари ва жуда камдан кам ҳолатда жамоат фондлари шаклида намоён бўлади.

Микрокредитлар бозорини тартибга солиш сиёсати молия тизимининг тарихи, иқтисодиёти ва ривожланиши билан боғлиқ турли омиллардан келиб чиқиб бир давлат иккинчисидан фарқ қилади. Банк қонунчилиги билан боғлиқ асосий элементларнинг баъзилари Европа иттифоқи ва миллий даражада ташкил этилганлигини эътироф этиш, микрокредитлар беришда нобанк микрокредит ташкилотларни тегишли тартибга солишни тушуниш учун жуда муҳимдир.

Европа Иттифоқининг молия тизими бўйича қонунчилик тизими молия институтлари учун микропруденциал қоидалар мажмуини белгилаб беради. Бошқа томондан, аъзо давлатлар ўз молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш учун макропруденциал назорат қоидаларига амал қилишга чақирилади. Ушбу макропруденциал чоралар охир-оқибат тегишли аъзо давлатдаги

макроиқтисодий, фискал ва молиявий вазиятга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хатарларни бошқариш билан боғлиқ баҳолашни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ҳар бир аъзо давлат кредит муассасаларининг молия бозорида фаолият юритишига рухсат бериш учун ўзининг таркибий чора-тадбирларини қабул қилиб, ўз резидентларини ҳимоя қилишга масъулдир.

Шу асосда 1-жадвалда нобанк микрокредит ташкилотларининг маҳаллий микрокредитлар бозорида фаолият юритишини таъминловчи ҳуқуқий асослар келтирилган. Бу борада учта асосий сценарий пайдо бўлади:

Миллий қонунчиликда микрокредит фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликнинг мавжудлиги. Ушбу сценарий микрокредит ташкилотларининг алоҳида тоифаси (Албания, Босния ва Герцеговина, Франция, Греция, Италия, Черногория, Португалия ва Косово) киритилган мамлакатлардан бошлаб, микрокредитлар нобанк молия муассасалари қонунчилигида кўрсатилган маҳсулотлардан бири бўлган бошқа мамлакатларга (Руминия) қадар турли ёндашувларни қамраб олади;

Микрокредит фаолияти бўйича алоҳида қонунчилик йўқ, лекин нобанк кредит берувчиларнинг кредитлар бериш фаолияти чекланманган. Бунда нобанк молия муассасалари учун тўғридан-тўғри микрокредитлар ажратиш имконини берувчи ҳуқуқ тақдим этилган (Хорватия, Бельгия, Болгария, Финляндия, Венгрия, Ирландия, Люксембург, Шимолий Македония, Испания, Швеция, Нидерландия ва бошқалар). Бирлашган Қироллик);

Микрокредитлаш фаолияти ҳуқуқий асослари яратилмаган ва фақат банклар учун кредит бизнесини олиб бориш тақдим этилган (банк монополияси) сценарий. Агар нобанк микрокредит муассасалари банклар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормаса, (Австрия, Германия ва Сербия) микрокредитлар ажратиш фаолияти билан шуғулланиш қатъий чекланган.

1-жадвал

Микрокредитлаш фаолияти ҳуқуқий асослари ҳолатига кўра евроиттифок давлатлари таснифи

№	Евроиттифок давлатлари ва Буюк Британия	Ҳуқуқий асос яратилган мамлакатлар	Ҳуқуқий асос яратилмаган, бироқ микрокредитлаш фаолияти чекланмаган давлатлар	Ҳуқуқий асос яратилмаган, банк монополияси жорий этилган давлатлар
1.	Австрия	-	-	+
2.	Белгия	-	+	-
3.	Болгария	-	+	-
4.	Хорватия	-	+	-
5.	Финляндия	-	+	-
6.	Франция	+	-	-
7.	Германия	-	-	+
8.	Греция	-	-	+
9.	Венгрия	-	+	-

№	Евроиттифок давлатлари ва Буюк Британия	Ҳуқуқий асос яратилган мамлакатлар	Ҳуқуқий асос яратилмаган, бироқ микрокредитлаш фаолияти чекланмаган давлатлар	Ҳуқуқий асос яратилмаган, банк монополияси жорий этилган давлатлар
10.	Ирландия	-	+	-
11.	Италия	+	-	-
12.	Люксембург	-	+	-
13.	Португалия	+	-	-
14.	Руминия	+	-	-
15.	Испания	-	+	-
16.	Швеция	-	+	-
17.	Нидерландия	-	+	-
18.	Буюк Британия	-	+	-
Еврохудудга аъзоликка номзод давлатлар				
1.	Албания	+	-	-
2.	Черногория	+	-	-
3.	Шимолий Македония	-	+	-
4.	Сербия	-	-	+
Еврохудудга аъзолиги истиқболли номзод давлатлар				
1.	Босния ва Герцеговина	+	-	-
2.	Косово	+	-	-

Манба: Cristina Ruesta, Nicola Benaglio (2021)

Ўтган 20 йил мобайнида тўққизта давлатлар микрокредитлаш фаолияти ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қарор қилди ва жорий этди: бешта Европа Иттифоқига аъзо давлатлари, икки номзод мамлакат ва икки истиқболли номзод давлат. Юқорида санаб ўтилган мамлакатларда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва уни қабул қилувчи орган тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва уни қабул қилувчи орган тўғрисидаги маълумотлар

Евроиттифок давлатлари ва Буюк Британия	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи	Кучга кирган сана	Норматив ҳужжатни ишлаб чиққан орган
Франция	Монетар ва молиявий кодекс	2001	Франция Марказий банки
Италия	Банк қонунлари тўплами	2010	Италия банки
Португалия	1318/2010 сонли ординанс	2010	Португалия банки
Руминия	Нобанк молия муассасалари тўғрисидаги қонун	2009	Руминия миллий банки

Евроиттифок давлатлари ва Буюк Британия	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи	Кучга кирган сана	Номартив ҳужжатни ишлаб чиққан орган
Албания	Нобанк молия муассаларини лицензиялаш ва фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги қонун	2013	Албания банки
Черногория	Молиявий лизинг, факторинг, микроқарз ва кредит-кафолат амалиётлари тўғрисидаги қонун	2017	Черногория Марказий банки
Босния ва Герцеговина	Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун	2006	Босния ва Герцеговина федерацияси Банк агенлиги
Косово	Банклар, микрокредит ташкилотлари ва нобанк молия институтлари тўғрисидаги қонун	2008	Косово Марказий банки

Манба: *Cristina Ruesta, Nicola Benaglio (2021)*

Дастлабки микрокредитлаш қонуни 2001 йилда Францияда, ундан кейин Босния ва Герцеговина (2006) ва Косово (2008) да қабул қилинган. Италия ва Португалия 2010 йилда қонунни қабул қилди, бироқ Италия мазкур қонунни янада такомиллаштириш учун яна тўрт йил талаб қилинди. Энг сўнгги асослар Черногория (2017) ва Грецияда (2020) қабул қилинди.

Микрокредит ташкилотларининг ҳуқуқий шаклига тўхталадиган бўлсак, баъзи мамлакатларда, микрокредит фақат тижорат ташкилотлари томонидан тақдим этилиши мумкин, мисол учун, Португалия, Руминия (бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ микроқарз берувчи кредит уюшмалари бундан мустасно), Албания ва Черногория. Ақсинча, Франция қонуни нодавлат нотижорат ташкилотларга микроқарзларни беришни чекловчи ягона мамлакат ҳисобланади. Қолган ҳолларда (Босния ва Герцеговина, Греция, Италия ва Косово) қонунчиликда аралаш ёндашув танланган бўлиб, унда бозорда ҳам нотижорат, ҳам тижорат ташкилотлари фаолият юритиши мумкин.

Капиталнинг минимал ҳажмига бўлган талаблар мамлакатга қараб сезиларли даражада фарқ қилади, бу қисман ушбу мамлакатларда харид қобилятига мувофиқ белгиланади. Кўпгина ҳолларда, қонун чиқарувчи орган энг кам капитал талабларини белгилайди, гарчи Францияда ва Италияда бу чеклов асосан нодавлат нотижорат ташкилотлари учун белгиланмаган бўлса-да. Португалия капитали учун минимал талаблар эмиссия (1 миллион евро) ва мамлакатда но-банк молия институтларининг йўқлиги билан изоҳланади.

Энди нобанк микрокредит ташкилотлари томонидан мижозларга таклиф қилинаётган маҳсулотлар ва уларни тақдим этиш учун қонунчиликда

белгиланган талаблари билан яқиндан танишиб ўтсак. Шу мақсадда микрокредит шартлари ва вазифалари билан боғлиқ бир қанча элементларни танлаб олиб таққосладик, 3-жадвалда таъкидланган микрокредит тўғрисидаги бирламчи қонун ҳужжатлари батафсил ёритилган.

3-жадвал

Микрокредит ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган хизматлари ва уларнинг асосий шартлари тўғрисида маълумот

Давлат номи	Маҳсулот номи	Максимал миқдори	Муддати	Мақсади
Франция	Профессионал микрокредит	12 минг евро	5	Кичик бизнесни тақшил этиш ёки ривожлантириш учун
	Шахсий микрокредит	5 минг евро	5	Мақсадсиз
Греция	Профессионал микрокредит	25 минг евро	10	Инвестиция эҳтиёжлари ёки асосий восита сотиб олишга
	Лизинг	25 минг евро		Зарурий воситаларни сотиб олишга
	Кафолат	25 минг евро		Шартнома бўйича кафолат олиш
Италия	Тадбиркорлик микрокредити	25 минг евро	7	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш
	Ижтимоий микрокредит	10 минг евро	5	Ижтимоий ва молиявий инқироздан чиқиш учун
Португалия	Бизнес микрокредит	25 минг евро		Иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга
Руминия	Микрокредит	Белигланмаган	Белигланмаган	Белигланмаган
Албания	Микрокредит	4800 евро	Белигланмаган	Белигланмаган
Черногория	Бизнес микрокредит	30 минг евро	Белигланмаган	Белигланмаган
	Шахсий	20 минг евро	Белигланмаган	Белигланмаган

Давлат номи	Маҳсулот номи	Максимал миқдори	Муддати	Мақсади
	микроқарзлар		н	
Босния ва Герцеговина	Микрокредит	25532 евро	Белигланмаган	Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўзини банд қилиш
Косово	Микрокредит	25 минг евро	Белигланмаган	Белигланмаган

Манба: *Cristina Ruesta, Nicola Benaglio (2021)*

Франция, Италия ва Черногорияда қонун чиқарувчи орган томонидан икки хил шаклда микрокредит маҳсулотини таклиф этишни белгилаб қўйилган: бизнес ва шахсий микрокредитлар.

Италян ва француз қонунчилиги микрокредит маҳсулотлари (кредит миқдори ва муддати, фоиз ставкасининг юқори чегараси нуқтаи назаридан) ва уларнинг мақсадлари (кредитнинг мақсади ва унинг олувчилар) жиҳатидан жуда аниқ ҳолда ишлаб чиқилган. Аксинча, Черногорияда эса қонун аниқлатирувчи кўрсатмаларга эга эмас ва бизнес ҳамда шахсий микрокредитлар учун максимал кредит миқдорларини белгилаш орқали унинг доирасини чеклайди.

Қизиғи шундаки, Францияда бизнес ва шахсий фойдаланиш учун микрокредитлар максимал ҳажми Италияга (ярим ҳажми) ва Черногорияга (ҳажмининг чораги) нисбатан паст бўлади. Францияда микрокредит миқдорларининг профили, кредитларнинг мақсади ва микрокредит (фақат нотижорат) таклиф этадиган ташкилотларнинг табиати ҳисобга олинса, француз ёндашуви энг заиф миқдорларнинг эҳтиёжларига қаратилган кўринади. Бошқа томондан, Францияда кўпинча микрокредитлар билан бирга тақдим этиладиган имтиёзли кредитлар (нол фоиз ставкаси билан) кенг тарқалганлигини таъкидлаш керак. Францияда имтиёзли кредит ўртача ҳажми бериш муассасасига қараб 9,700 учун 30,000 еврогача белгилаб қўйилган.

Грецияда, бизнес ва жисмоний шахслар учун кредитлардан ташқари, микрокредит такшилотлари ўз миқдорларига кафолат ва лизинг хизматларини ҳам таклиф қилиш мумкин. Франция ва Италия қонунчилиги каби грек қонунчилиги ҳам микромолиявий маҳсулотларнинг сиёсат мақсадлари ва шартларини ўзига хос тарзда белгилайди. Шу муносабат билан, микромолиялаштириш тўғрисидаги қонун микромолия маҳсулотларининг диапазони ва шартларига нисбатан микрокредит тақдим этиш учун Европа кодексининг яхши хулқ-атвори эволюциясини акс эттирувчи тузатишларга имкон беради (айни пайтда барча маҳсулотлар учун 25,000 еврони ташкил этмоқда).